• 26-АПРЕЛЬ—НАВБАТДАГИ ЯГОНА СИЁСИЙ КУН •

# БУЮК ҒАЛАБА

Совет Иттифоқи, унинг Қуролли кучлари томонидан 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалаба халқларнинг хотирасида ўчмас из қолдирган энг буюк воқеалардан биридир. Бу Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини бутун прогрессив инсоният нишонлаяпти.

Совет халқи бу Ғалабагача 1418 оловли кун ва тунни бошидан кечирди. Урушнинг биринчи кунидан сўнгги кунигача партия билан халқнинг бутун ўй-фикри ягона мақсадга — ҳамма куч ва воситаларни Улуғ Октябрнинг буюк ғалабаларини, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишга сафарбар этиш, халқларни фашизм зулмидан озод этишга қаратилган эди.

Гитлерчилар Германияси СССРга қарши урушни ўзи учун қулай бўлган шароитларда бошлади. Ватанимизга бостириб кирган душманнинг куч жиҳатидан устунлиги, ҳужумнинг тўсатдан бўлганлиги, урушнинг дастлабки босқичида мамлакат аҳолисининг 42 процентга яқини яшаб турган ҳамда ялпи саноат маҳсулотининг учдан бири ишлаб чиқарилаётган территориянинг қўлдан бой берилиши ниҳоятда мушкул ва хавфли вазиятни юзага келтирди.

Гитлерчи ҳарбий бошлиқларга урушнинг тақдири ҳал бўлгандек туюларди. Аммо моддий имкониятлар нисбатини социалистик давлатнинг социал-сиёсий ва маънавий омилларини ҳисобга олмасдан оддийгина таққослаш жиддий хато бўлиб чиқди. Совет халқи В. И. Лениннинг урушда кимда кўпроқ резерв бўлса, кўпроқ куч манбалари, халқ ўртасида сабот-ирода кўпроқ бўлса, ўша ғалаба қозонади, деган сўзлари ғоят тўғри эканлигини яққол исботлади. Бизда ана шуларнинг ҳаммаси душмандагига қараганда кўпроқ бўлиб чиқди.

«Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси,— дейилади КПСС Марказий Комитетининг қарорида, — социализмнинг афзалликларини, унинг жуда катта иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий имкониятларини тўла-тўкис намоён этди». Коммунистик партия мамлакатни жанговар лагерга айлантириш учун ҳамма нарсани қилди. Совет халқига Мурожаатда, СССР Халқ Комиссарлари Совети билан ВКП (б) Марказий Комитетининг 1941 йил 29 июндаги Директивасида душманни тор-мор этишнинг аниқ программаси кўрсатилди, урушнинг адолатли характери ҳамда ғалабага эришиш шарт-шароитлари очиб берилди, халқнинг вазифаси тушунтирилди. Партиянинг «Бизнинг ишимиз адолатлидир. Душман тор-мор этилади. Ғалаба биз томонда бўлади!» деган шиори совет кишиларининг чуқур ҳис-туйғуларини ифода этди, қудратли ҳаракатлантирувчи кучга айланди.

Партия, давлат ва ҳарбий раҳбарликнинг ягона бўлиши масаласи муваффақиятли ҳал этилди. Уруш бошида И. В. Сталин бошчилигида ташкил этилган Давлат Мудофаа Комитети мамлакатдаги бутун ҳокимиятни ўз қўлида марказлаштирди. Фронтда ва фронт орқасидаги энг муҳим участкаларга таниқли сиёсий, ҳарбий ва хўжалик раҳбарлари бошчилик қилдилар.

Партия фашизм билан курашнинг аниқ стратегик вазифаларини олға суриб, уларни ҳал этишга оммани сафарбар қилибгина қолмасдан ўзи ҳам Ғалаба учун курашаётганларнинг биринчи сафида бўлди; В. И. Ленин таърифи билан айтганда «жанг қилаётган партияга» айланди. Армия ва флотга ВКП (б) Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг ярмига яқини, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари секретарларидан, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарларидан 500 киши сафарбар этилди. Урушнинг дастлабки уч ойи мобайнидагина Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети масъул ходимларининг 20 проценти фронтга кетди. Уруш бошлангандан олти ой ўтгандан сўнг эса республика, область ва район ташкилотлари раҳбарларидан 6 мингдан кўпроқ киши, саноатдаги раҳбар ходимларнинг 30 проценти, қишлоқ хўжалигидаги раҳбар ходимларнинг 20 проценти Ватанни ҳимоя қилишга отланган эди. Уруш йилларида Ўзбекистон партия ташкилотларидан фронтга 38 мингдан кўпроқ коммунист сафарбар этилди.

Коммунистлар шахсий намуна кўрсатиб, оташин партиявий сўз билан совет кишиларини Ғалабага руҳлантирар ва уларни ўз ортларидан эргаштирардилар. Партия аъзоларидан 3 миллиондан кўпроқ киши Ватан учун жонларини фидо қилди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганларнинг деярли тўртдан уч қисми коммунистлардир.

Фронтдаги сезиларли даражадаги талофотларга қарамай қуролли кучларнинг партия ташкилотлари уруш йилларида миқдор жиҳатдан беш баравардан кўпроққа ҳам ортди. Бу даврда партия барча аъзоларининг сони бир ярим баравар кўпайди. 1945 йилнинг бошида 3,3 миллион коммунист ёки партия бутун составининг қарийб 60 проценти армияда эди.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси социалистик давлат, унинг экономикасининг чексиз қудратини яққол намойиш этди.

Қисқа муддатларда халқ хўжалигини ҳарбий изга солиш амалга оширилди. Фронт ёнидаги районлардан моддий ва маънавий бойликларни тарихда мисли бўлмаган эвакуацияси амалга оширилди. 1941 йилнинг июлидан декабргача 2593 корхона эвакуация қилинди. Улардан 100 тасидан кўпи Ўзбекистонга, шу жумладан, 65 таси Тошкент областига эвакуация қилинди. Бу даврда 10 миллиондан кўпроқ киши, 8,5 миллион бош қорамол ҳам кўчириб келинди.

Мамлакат шарқида асосий ҳарбий-саноат базаси вужудга келтирилди. 1942 йилнинг ўрталарига келиб бу ерларда фронт учун маҳсулотнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғи ишлаб чиқариларди. 1942 йил охирига келиб, ҳарбий техниканинг асосий турлари бўйича нисбат бизнинг фойдамизга ўзгарди.

Буржуа пропагандаси Қизил Армияга техника гўёки кўп жиҳатдан СССРга ленд-лиз бўйича етказиб берилганлигини исбот қилиш учун жуда кўп куч-ғайрат сарфлайди. Иттифоқчиларнинг ёрдамини инкор этмаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, бундай техника етказиб бериш совет саноат ишлаб чиқаришининг атиги тўрт процентини ташкил этган эди, холос.

Партиянинг «Ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун!» деган даъвати миллионлаб совет ватанпарварларини фидокорона меҳнатга руҳлантирди. Фронтга кетганларнинг ўрнини хотин-қизлар, ўсмирлар, қариялар эгалларди. Улар смена топшириқларини 2—3—5 ҳатто ўн баравар ва бундан ҳам кўпроқ ошириб бажарардилар.

Қишлоқ хўжалиги уруш даврида экин майдонларининг 47 процентини йўқотганлиги, фронтга қишлоқ меҳнаткашларининг энг малакали қисми кетганлиги, колхоз ва совхозларнинг моддий базаси жуда бўшашганлигига қарамасдан фронтни ва фронт орқасини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни эса зарур хом ашё билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйилди.

Ҳарбий хўжаликни ривожлантиришга республикамиз ҳам катта ҳисса қўшди. 1941 йилнинг охирига борибоқ Ўзбекистондаги 300 та завод ва фабрика ўз ишлаб чиқаришини ҳарбий эҳтиёжларга мослаштирди. 280 та янги завод ва фабрика ишга туширилди. Уруш йилларида республика фронтга кўплаб миқдорда самолётлар, авиамоторлар, авиабомбалар, снарядлар етказиб берди.

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари давлатга 4806 минг тонна пахта, 1282 минг тонна дон, 482 минг тонна мева ва сабзавот, 54 минг тонна пилла, кўплаб миқдорда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширдилар.

Ўзбекистон фронтга фақат шулар билангина ёрдам бермасди. Республикамиз фронтнинг аслаҳахоналаридан бири бўлиши билан бир қаторда 1 миллиондан кўпроқ эвакуация қилинган кишиларни, шу жумладан 200 минг болани ўз бағрига олди. Ш. Шомаҳмудов ҳамда унга ўхшаб кўплаб эвакуация қилинган болаларни асраб олган минглаб кишилар халқлар қардошларча дўстлигининг, совет кишиси қалби сахийлигининг рамзига айландилар.

Кўнгилли равишда Ватан мудофаа фондини вужудга келтириш, фронтга совға-салом, иссиқ кийим-кечак жўнатиш, давлат ҳарбий заёмларини харид қилиш ҳаракати кенг қулоч ёйди. Тошкент области меҳнаткашлари 1941—1943 йилларда ҳарбий техника ишлаб чиқариш учун шахсий жамғармаларидан 75 миллион сўм ажратдилар. Улар мамлакат мудофаа фонди учун 37 миллион сўм пул тўплашди, фронтга 60 вагон совға-салом, 143 мингта иссиқ кийим-бош жўнатдилар, 235 миллион сўмлик заём облигацияларини сотиб олишди.

Армия ва флотни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш партиянинг урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб олиб борган ишларида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Урушнинг дастлабки босқичидаёқ сон бўйича урушдан аввалгидан икки баравар кўп армияни вужудга келтиришга муваффақ бўлинди, 1 миллиондан кўпроқ киши партизан отрядларида, 2 миллион киши подпольеда душманга қарши курашди.

Партия билан халқнинг жуда катта куч-ғайратлари туфайли 1943 йилда Қизил Армия ҳарбий-стратегик тенгликка, кейинчалик эса ҳал қилувчи устунликка эришди. 1945 йилнинг январига келиб биз душмандан армиядаги жонли куч бўйича 2,1 баравар, танк ва ўзиюрар артиллерия установкалари бўйича уч баравар, жанговар самолётлар бўйича 7,3 баравар устунликка эришдик.

Душманни бутунлай тор-мор этишда Москва, Сталинград остоналаридаги, Курск ёйидаги жанглар энг муҳим босқичлар бўлди. Улар иккинчи жаҳон урушида туб бурилиш ясади. Совет Армияси Украина, Белоруссия, Болтиқбўйини озод этиш бўйича йирик операцияларда ва ниҳоят, Польша, Румыния, Чехословакияни, Германиянинг ўзини ва бошқа мамлакатларни озод этиш учун жангларда душманга қақшатқич зарбалар берди. СССР Қуролли кучларининг операциялари жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазиятга, урушнинг бошқа жойларидаги жанговар ҳаракатларга ҳал қилувчи таъсир ўтказди.

Душманни тор-мор этиш учун қулай ташқи сиёсий шарт-шароитни таъминлаш вазифаси муваффақиятли ҳал этилди. Узоқни кўзлаб амалга оширилган тадбирлар СССРга икки фронтда жанг қилмасликка имкон яратди. Антигитлерчилар коалициясини тузишга, фашист блокини парчалашга муваффақ бўлинди. Иттифоқчиларимиз жуда кечикиб бўлса ҳам иккинчи фронтни очишга мажбур бўлишди. Агрессорни жиловлаш учун социал тузуми турлича бўлган давлатлар билан ҳамкорлик қилиш тажрибаси жуда катта сиёсий аҳамиятга эгадир. Бу бугунги кунда ҳам жуда муҳим бўлиб, ракета-ядро ҳалокатининг олдини олиш мақсадларида ундан актив фойдаланиш мумкин.

Совет кишилари иттифоқчиларимиз, бутун антифашист фронтининг Ғалабага қўшган ҳиссасини юқори баҳолайдилар. Бироқ, фашист Германияси ва империалистик Японияни тор-мор қилишга совет халқи, унинг Қуролли кучлари ҳал қилувчи ҳисса қўшганликларини ёддан чиқариш мумкин эмас. Буржуа пропагандаси ҳар қандай уринмасин халқлардан ҳақиқатни яшириб бўлмайди. Фашистлар Германияси Совет Армияси билан бўлган жангларда жонли куч ва жанговар техникасининг тўртдан уч қисмини йўқотди. Шунинг учун ҳам АҚШ президенти Ф. Рузвельт «Рус қўшинлари душманларимизнинг қуролли кучларини бирлашган миллатларнинг ҳаммасидан ҳам кўпроқ йўқ қилишди ва йўқ қилишмоқда», деб бежиз айтмаган эди.

Фашизм фақат қурол кучи билангина эмас, шунингдек марксча-ленинча идеология, партия томонидан тарбияланган омманинг онглилиги кучи билан ҳам тор-мор этилди. Партия оммада ғалабага ишонч туғдира олди, халқни социалистик ғалабаларимизнинг ҳимоясига отлантирди.

Уруш СССР халқлари дўстлиги қудрати ва мустаҳкамлигини, ленинча миллий сиёсатнинг донолигини жиддий синовдан ўтказди. СССРнинг барча миллат ва элатлари, шу жумладан юзлаб минг ўзбекистонлик жангчилар ўз Совет Ватанлари учун жасурлик билан жанг қилдилар. Ўзбекистонлик жангчилардан 120 минг нафардан кўпроғи орден ва медаллар билан мукофотланди, 280 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жонларини қаҳрамонларча фидо қилган ўзбекистонлик жангчилардан генерал С. Раҳимов, М. Топиболдиев, Е. Стемпковская, Т. Эржигитов, В. Шаландин ва минглаб бошқаларнинг номлари Улуғ Ватан уруши солномасидан муносиб ўрин олди.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси улкан, оламшумул-тарихий аҳамиятга эгадир. У жаҳон социалистик ҳамдўстлиги ташкил топишига асос солди, жаҳон ишчи ва коммунистик ҳаракатини, миллий-озодлик ҳаракатини янада юксалтирди, империализм мустамлака системасининг парчаланишига олиб келди.

Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги, совет халқининг Ватанга, Улуғ Октябрь ишига чексиз садоқати совет халқи ғалабасининг манбалари бўлди. Бу социалистик ижтимоий-сиёсий тузумнинг, социалистик экономиканинг, марксча-ленинча идеологиянинг ғалабасидир. У совет кишиларининг фронтда ва фронт орқасидаги, босиб олинган территориялардаги оммавий қаҳрамонликларининг, совет ҳарбий фани, жангчиларимиз жанговар маҳорати устунлигининг натижаси бўлди.

Улуғ Ватан уруши Ленин партияси раҳбарлигидаги, бу партия атрофига метиндек жипслашган халқ ва армияни енгиб бўлмаслигини тўла куч билан тасдиқлади. Бу ғалаба ҳозирги пайтда ривожланган социалистик жамиятимизнинг, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бутун қудрати билан янада мустаҳкамланмоқда. Буни жаҳонга ҳукмронлик қилишга янгидан даъвогар бўлаётганлар, уруш якунларини қайта кўриб чиқмоқчи, урушдан кейинги чегаралар ўзгармаслиги принципини қўпормоқчи бўлаётганлар ёддан чиқармасликлари зарур. Ҳозирги империалистик реакцияга ҳам гитлеризмга характерли бўлган асосий хусусиятлар — ашаддий антикоммунизм, антисоветизм, шовинизм ва ирқчилик, сафсатабозлик, меҳнаткашларга қарши ўта жабр-зулм ўтказиш, халқаро терроризм, мустақил давлатларга қарши агрессия қилиш хусусиятлари тааллуқлидир.

Худди шунинг учун Улуғ Ватан урушининг сабоқлари жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу сабоқларнинг энг асосийси шундан иборатки, тинчликни сақлаш учун ҳозир курашиш керак. АҚШ ва уларнинг НАТОдаги шериклари томонидан Совет Иттифоқи, Варшава Шартномаси мамлакатлари устидан ҳарбий устунликка эришишга интилишлари тарихий жиҳатдан муваффақиятсизликка учраши шубҳасиздир. Тинчликни мустаҳкамлаш учун социализмнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, барча тинчликсевар, антиимпериалистик кучларни жипслаштириш ва уларнинг актив ҳаракат қилишларига эришиш, халқларнинг ўта сезгирлиги биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети март (1985 йил) Пленумида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтилганидек: «Мураккаб халқаро вазиятда Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини ҳар қачонгидан ҳам юксак даражада сақлаш муҳимдир. Потенциал агрессорлар шуни яхши билиб қўйсинлар: Совет мамлакати ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигига, совет кишиларининг тинч турмушига қилинадиган ҳамлага қақшатқич жавоб зарбаси берилади».

Барча совет кишилари қатори Тошкент области меҳнаткашлари ҳам Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги руҳида, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги муваффақиятларга эришган ҳолда кутиб олмоқдалар. Улар бу шонли юбилейни, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, социалистик Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Область саноати маҳсулотларни реализация қилиш ва уларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича биринчи квартал планини муддатидан илгари бажарди. Планга қўшимча равишда 3,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш плани 100,3 процент қилиб уддаланди. Қурилишда ҳам ижобий силжишлар бўляпти. Асосий фондларни ишга тушириш плани 102, турар-жойларни фойдаланишга топшириш плани 112,3 ва мактабгача болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш плани 108,5 процент адо этилди.

Қишлоқ меҳнаткашлари бу даврда давлатга гўшт топшириш планини 108,5 процент, тухум топшириш планини 116.9 процент бажардилар. Чигит, бошоқли дон, беда экиш муваффақиятли тугалланди. Бу йилги мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратиш учун зарур чоралар кўриляпти.

Шу билан бир қаторда қатор корхоналар товар маҳсулоти ишлаб чиқариш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш планларини, шартнома мажбуриятларини бажара олмаяптилар. Капитал маблағларни ўзлаштириш плани барбод бўлди. Қурилиш ишларининг сифати қониқарсиз аҳволдадир. Чорва маҳсулдорлиги паст. Иш вақти кўплаб йўқотилмоқда.

Беш йилликка якун ясалишига унчалик кўп вақт қолгани йўқ. 1985 йил ва умуман беш йиллик планларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, барча меҳнаткашларнинг энг муҳим вазифасидир. Область халқ хўжалигида қишнинг қаттиқ келиши, баъзи бошқа сабаблар туфайли рўй берган вазият қолоқликка барҳам бериш ва йил охиригача план топшириқларида белгиланган марраларга албатта чиқиб олиш учун куч-ғайратни аямасликни талаб этмоқда. Бунинг учун уюшқоқсизлик ва хотиржамликка қатъий барҳам бериш, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш, кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, барча ижодий кучлар ва резервларни иқтисодий ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришга сафарбар этиш, илғор тажрибадан кенг қўлланиш лозим.

Жаҳондаги икки ижтимоий система кескин кураш олиб бораётган ҳозирги шароитларда план топшириқларини бажариш, сидқидилдан меҳнат қилиш, юксак уюшқоқлик ва интизомлилик ҳар бир совет кишисининг, ҳар бир меҳнат коллективининг фақат вазифаси бўлиб қолмай, ватанпарварлик бурчи ҳам эканлигини ёдда тутиш зарур.

Мана, қирқ йилдан бери совет халқи тинч осмон остида яшаб, меҳнат қилмоқда. Совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати миннатдор инсоният хотирасида мангу яшайди. Халқни бу жасоратга давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси руҳлантириб турган эди. Бугунги кунда ҳам шонли Ленин партияси бунёдкор халқимизни коммунизм тантанаси сари дадил бошлаб бормоқда.

## СИЁСИЙ ДОКЛАДЧИЛАРГА ЁРДАМ

# УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

## 160 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

ТОШКЕНТДАГИ 2-нон маҳсулотлари комбинатида қизил шанбаликни ўтказиш доимо байрам тусини олади. Бу ерда ҳар гал навбатдаги меҳнат байрамининг ўтказилишига янгилик киритилади. Бу эса меҳнат кўрсаткичлари янада юксалишини таъминлайди.

Бу гал ҳам комбинат меҳнат аҳли смена давомида энг юқори кўрсаткичларга эришиш режалари билан шанбаликка киришадилар. Меҳнат байрамининг 550 нафар қатнашчиси орасида корхона қошидаги билим юрти талабалари ҳам бўлади. Бевосита комбинатда меҳнат қилаётган 320 нафар нонвой эса асосан тежалган хом ашёлар ҳамда электр энергияси ҳисобига меҳнат қилишади. Смена охиригача шу тариқа 160 минг сўмлик нон маҳсулотлари тайёрланиши кутилмоқда.

Б. ОРИФЖОНОВ.

## ТИНЧЛИК ФОНДИГА

ОҲАНГАРОН шаҳридаги 8-темир-бетон буюмлари заводи коллективининг 350 нафар ишчи-хизматчиси В. И. Ленин таваллудининг 115 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган шанбаликда актив қатнашишга азму қарор қилдилар. Улар асосан ўз иш постларида меҳнат қилиб, шу куни 20 минг сўмлик темир-бетон буюмлари тайёрлашади. Ишлаб чиқаришдан тушган 1200 сўм Тинчлик фондига ўтказилади.

Шунингдек, меҳнат байрами куни завод территориясида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. Дарахтлар, гулларнинг таглари юмшатилади, 150 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳам ўтказилади.

А. НАБИХЎЖАЕВ.




**Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводи республикамизнинг энг кекса корхоналаридан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам корхонада кўплаб шонли анъаналар қарор топган. Шуниси қувончлики, корхонанинг кенжа ишчи авлоди коллективнинг шонли анъаналарини давом эттириб келмоқда. Буни улар «қизил шанбалик»да яна бир бор намойиш этишга қарор қилдилар. Шу куни ремонтчилар 1 дона тепловоз секциясини, 6 та тортувчи электр двигателларини, 2 минг дона тормоз колодкаларини созлашга сўз бердилар. Суратда: меҳнат ветерани, 1932 йилдан бери КПСС аъзоси Андрей Платонов (чапдан тўртинчи) ва Алексей Комиссаров ёш ишчиларга корхонадаги дастлабки коммунистик шанбаликлар ҳақида гапириб беришяпти.**

А. Рисқиев фотоси. (ЎзТАГ).

## ҲАММА ҚАТНАШАДИ

ТОШКЕНТ ёғ-мой комбинати коллективи шу кунларда шанбаликка пухта тайёргарлик кўрмоқда. Ихтиёрий меҳнат кунида 1200 нафар инженер-техник ходимлар ва ишчилар иштирок этишади. Уларнинг деярли барчаси шанбалик кунида «Юқори меҳнат унумдорлигига эришамиз» шиори асосида ишлаб, 95 минг сўмлик маҳсулот тайёрлайдилар. Шу куни тушган маблағнинг 1050 сўми ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади. Шунингдек, ишчилар комбинат атрофида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан ҳам шуғулланадилар.

Меҳнат байрамида корхона территорияси ва унга туташ майдонларга 800 туп гул, 1500 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, 3000 погон метр ариқ-зовурлар тозаланади.

Қ. ТЎЛАБОЕВ.

## 74 МИНГ КЎМАКЧИ

БУГУН шаҳар ўзгача фусун, ўзгача тароват касб этади. Тонг отиши билан кўчаларда меҳнаткашлар оқими турли томонларга йўл олади. Барчанинг чеҳрасида табассум, кишилар қалбида хуш кайфият. Шаҳарнинг турли чеккаларидан таралаётган карнай-сурнай, духовой оркестр садолари чирчиқликларни коммунистик меҳнат байрамига чорлайди.

Шаҳардаги бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртлари ҳузурида тузилган 96 та штаб умумхалқ ҳашарига тайёргарлик ишларига бош-қош бўлди. Улар шанбалик ҳар томонлама мазмунли ва юксак савияда юқори меҳнат унуми билан ўтиши учун жуда кўп иш қилдилар, катта ҳажмдаги тадбирларни амалга оширдилар, иш фронтини етарли тайёрлашга алоҳида эътибор бердилар.

Дастлабки ҳисобларга қараганда бугунги меҳнат байрамида 74 минг нафар ишчи-хизматчи қатнашади. Уларнинг кўпчилиги ишчи коржомаларини кийиб, ўз меҳнат постларини эгаллайдилар. Саноат корхоналарида 33500 киши станокларни, агрегатларни, поток линияларни бошқарадилар. Қурилиш объектларида яратувчилик меҳнати билан шуғулланувчилар сафида 4300 бинокор ва минглаб ҳашарчилар бўлади, 2800 нафарга яқин транспортчи халқ хўжалик юкларини ташийдилар, меҳнаткашларга хизмат кўрсатадилар.

Меҳнат байрами бошланиши олдидан барча меҳнат коллективларида тантанали митинглар бўлиб ўтади. Уларда халқимиз ажойиб анъаналаридан бири бўлган удумнинг аҳамияти ҳақида, унинг тарихи ҳақида суҳбатлар, докладлар, меҳнат ветеранларининг чиқишлари уюштирилади. Барча корхона-ташкилотлардаги «Қизил шанбалик» руҳи билан йўғрилган алвонлар, плакатлар, шиорлар кишиларни янада унумлироқ ишлашга ундайди.

Бугун шаҳримизда салкам 2,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жумладан, узлуксиз ишлаб чиқариш корхоналарида ҳаммаси бўлиб 1332 минг сўмлик маҳсулот, 320 минг

### 96 ШТАБ БОШЧИЛИГИДА

сўмлик халқ истеъмол буюмлари тайёрланади. 150 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. 42 минг тонна халқ хўжалик юклари, унинг 22 минг тоннаси тежалган ёнилғи ҳисобига белгиланган манзилларга етказиб берилади.

Меҳнат байрами кунида трансформатор заводи, «Химзашита» монтаж бошқармаси, шунингдек 32 цех, 87 бригада, 4500 ишчи тежалган хом ашё материаллар ҳисобига ишлайди, 5 минг жуфт пойабзал, 10 минг дона ғишт, 239 минг сўмлик электротехника асбоб-ускуналари тежалган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилади. Пландан ташқари 10 дона культиватор, 10 тонна металл конструкциялари, 30 квадрат метр темир бетон буюмлари, 8 комплект паст кучланишли станциялар тайёрланади. 3 минг нафар чирчиқликлар нормани 1,5—2 баравардан бажаришга эришадилар.

Шанбалик иштирокчиларига турли хил маданий ва савдо хизматлари кўрсатиш ҳам аниқ программа асосида амалга оширилади. Жумладан, барча умумий овқатланиш тармоқлари оддий иш кунларидек ишлайди. Бундан ташқари, 50 та кўчма буфет меҳнат байрами қатнашчилари хизматида бўлади. Шаҳардаги бадиий ҳаваскорлик тўгараклари коллективлари ишчилар меҳмони бўлиб, уларга байрам кайфияти бағишлайдилар.

«Қизил шанбалик»ка тайёргарлик кўришда шаҳар шанбалик ўтказиш штаби ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ҳам эътибордан четда қолдирмади. Шаҳарга шу куни 22 минг туп манзарали, 4,5 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтқазилади. 2 минг квадрат метр гулзорлар ва хиёбонлар бунёд этилади. 220 минг квадрат метр ҳажмдаги йўллар ва йўлкалар, 25 минг погон метр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланади. Шунингдек, 370 тонна металл парчалари йиғилади. Шу куни ишлаб топилган жами маблағ — 72 минг сўм пул ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади. Кун охирида барча корхона, ташкилот, идораларда шанбаликка якун ясалиб, алоҳида ўрнак кўрсатган меҳнаткашлар рағбатлантирилади, уларга қимматбаҳо эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар, мақтов қоғозлари берилади.

**А. АЗАЛИН,**
**Чирчиқ шаҳар партия комитетининг инструктори.**

## ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

ҲАР ЙИЛИ қишлоқнинг кексаю-ёши бу кунни яхши кайфият, иштиёқ билан кутиб олади. Ленинча шанбалик маҳаллаларда меҳнат байрамига, халқ ҳашарига айланиб, ўйин-кулги, хурсандчилик бир-бирига уланиб кетади.

Қишлоқ маҳаллаларида шанбаликка аввалдан тузилган режа асосида тайёргарлик кўрилади. Калинин районидаги гавжум қишлоқлардан бири бўлган Хонобод йил сайин кенгайиб, аҳолиси кўпайиб, янги маҳаллалар пайдо бўлаётир. Демак, кўпчилик бўлиб ҳашар йўли билан битказиладиган ишлар оз эмас. Ана шундай зарур ва йирик тадбирлар асосан шанбалик куни ҳашар йўли билан бажарилади.

Ўқитувчи, Беруний, Хонободтепа маҳаллалари аҳолиси бугун асосан территорияни тозалаш, кўча ёқаларини, ариқларни тартибга келтириш, дарахтларни оқлаш билан шуғулланадилар. Уларга уруш ва меҳнат ветеранларидан Хўжаназар ота Абдураимов, Фазлиддин Муҳиддинов, Мажид Бакировлар бошчилик қилишади. Бундан ташқари, Хонободтепа маҳалласида кўплаб мевали дарахт кўчатлари экиш ҳам мўлжалланган.

Беруний маҳалласида қурила бошланган янги чойхонада ўтган йилги шанбаликда катта ҳашар уюштирилиб, тез кунда ишга туширилган эди. Бугун ҳам чойхона маҳалла одамлари билан гавжум бўлади. Улар ўтган йили баҳорда экилган токлар учун янги ишком ясайдилар. Гуркираб ривожланган турли нав ток занглари ишкомларга кўтариб, тараб қўйилади.

Бугун қишлоқ қабристонига ҳам маҳаллалардан кекса ва ёшлар тўпланишади. Бу ердаги боғ парваришини ўз зиммасига олган уруш ва меҳнат ветерани Раҳим ота Усмоновнинг ташаббуси билан ёнғоқ, ўрик, шафтоли, олма, олча каби мевали дарахт кўчатлари экилади. Аввалги йили экилган кўчатлар кўздан кечирилади, манзарали дарахтларга шакл берилади, қабристон территорияси тартибга келтирилиб, саранжом-саришта қилиб қўйилади.

— Шанбалик ҳашарида фақат ветеранлар, пенсионерлар, уй бекалари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этадилар,— дейди Хонобод қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Т. Икромов.— Асосий аҳоли эса шу куни ўз иш жойларида, яъни «Қорасув» совхози далаларида бўлиб, эртаги экинларга ишлов беришади. Хуллас, умумхалқ ҳашаридан ҳеч ким четда қолмайди.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

